



“01” декабр 2020 й. № 01-06/3643

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига,
ташқи реклама билан
шуғулланувчи реклама
агентликларига**

Нусхаси: **Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектларини (конструкцияларни) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, Ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти тўғрисидаги Низомнинг 31-бандида – тасвирли реклама конструкцияси босма материалларидаги носозликлар конструкция эгалари томонидан носозлик аниқланиши биланоқ ва (ёки) ваколатли органларининг мурожаатига (хабарномасига) кўра (телефонограмма ва бошқа электрон хабарларига мувофиқ) бартараф этилиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, ташқи реклама объекти (конструкцияси) эгаси конструкция ташқи кўринишини мувофиқ ҳолатда сақланишини таъминлаши ҳамда фавқулодда об-ҳаво (тўфон, кучли ёмғир, қорбўрон ва ҳоказолар) шароитларида эса, тезкор хизматлар ва ваколатли органлар хатлари (телефонограмма ва бошқа электрон хабарномалари) асосида бартараф этиш чоралари кўрилиши лозим.

Бироқ, айрим ҳолларда ташқи реклама объекти (конструкцияси) уларнинг эгалари томонидан етарлича назорат қилинмаслиги, хусусан конструкциянинг яроқсиз ҳолатга келиб қолган (йиртилган, осилиб қолган баннерлар) қисмини бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмаслиги шаҳарлар ташқи қиёфаси ва шаҳарсозлик кўринишини (имиджини) бузилишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан Сиздан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жорий ҳолатини доимий назорат қилиб боришингиз ва юзага келган номувофиқларни тезкор бартараф этиш чораларини кўришингиз сўралади.

Директор



Э.Хаитметов